Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 29 июль, № 149 (6843) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

Туғилган кунимга 60 йил тўлиши муносабати билан узоқ-яқиндан қутловлар, табрикнома ва мактублар йўллаган давлат ва ҳукумат бошлиқларига, хорижий сиёсат ва жамоат арбоблари, ишбилармон доиралар вакилларига, халқаро ташкилотлар раҳбарларига, юртимиздаги маҳаллалар ва меҳнат жамоаларига, барча ватандошларимга ўзимнинг самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Менинг шаънимга билдирилган эзгу табрик ва тилакларни, аввалгидек, Ўзбекистон халқи ва давлатига юксак ҳурмат ва эҳтиром, мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунига бўлган ишонч ифодаси сифатида қабул қиламан.

Фурсатдан фойдаланиб, меҳнатсевар, бағрикенг ва олижаноб халқимизга яна бир бор чин қалбимдан фарзандлик меҳримни билдираман.

Кўп миллатли Ўзбекистон халқининг бахту саодати ва фаровонлиги йўлида садоқат билан хизмат қилиш учун бундан буён ҳам бор куч ва ғайратим, билим ва тажрибамни сафарбар этаман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МАҲАЛЛИЙ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ КОРХОНАЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни ва фермер хўжаликлари фаолиятини, уларнинг ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва экспорт қилишини иқтисодий рағбатлантириш, шунингдек, валюта бозорини янада либераллаштириш мақсадида:

1. 2017 йилнинг 1 августидан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ экспорт қилувчи хўжалик субъектларига маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорт қилишдан валюта тушумларининг 25 фоизини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки:

2017 йилнинг 1 августигача бўлган муддатда республикамиз ваколатли тижорат банклари ва экспорт қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар, жумладан, фермер хўжаликлари ўртасида ушбу қарор билан ўрнатилган тартибни амалга ошириш механизми бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб борсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Марказий банк раиси М. Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 28 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда жамият ҳаётининг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлаш, миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини ҳаётга жорий этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ва масъулият ҳиссини ошириш, ёт ғояларга қарши мафкуравий иммунитетни кучайтиришга йўналтирилган тарғибот тизими шаклланди. Бу жараёнда Республика Маънавият тарғибот маркази, унинг жойлардаги тузилмалари ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази томонидан муайян ишлар амалга оширилганини қайд этиш лозим.

Бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Хусусан, оила, маҳалла ва таълим муассасаларида ёшлар тарбияси, чекка ҳудудлар ва маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан мақсадли ғоявий-тарбиявий ишларнинг юзаки тарзда олиб борилаётгани, жиноятчилик, диний экстремизм ва террористик ҳаракатларга адашиб қўшилиб қолиш, миллий қадриятларга эътиборсизлик, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот ишларининг аксарият ҳолларда кутилган натижани бермаётгани бу масалаларга жиддий эътиборни талаб этмоқда.

Мамлакатимизда қабул қилинган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, энг аввало, давлат бошқаруви органларининг қуйи бўғинлари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларнинг халқ билан мулоқот қилишини таъминлаш, бу борада самарали ижтимоий ҳамкорлик механизмини мустаҳкамлаш устувор вазифа сифатида белгилаб қўйилган.

Ана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, маънавий-маърифий тарғибот ишларининг мазмун-мундарижасини тубдан яхшилаш, уларнинг кўлами ва миқёсини кенгайтириш, тизимда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимларининг билим ва малакасини изчил ошириб бориш, туман (шаҳар) даражасидаги ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг барқарор тизимини йўлга қўйиш, соҳада фаолият олиб бораётган муассаса ва ташкилотлар ишини мувофиқлаштириш ва уларнинг самарасини ошириш мақсадида:

1. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказини бирлаштириш йўли билан уларнинг негизида Республика Маънавият ва маърифат марказини (кейинги ўринларда — Марказ деб аталади) қайта ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

2. Марказ фаолиятини ташкил этишда қуйидаги асосий вазифаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишга қаратилган тарғибот ишларини тизимли ва изчил амалга ошириш, бу борада кенг жамоатчилик, олимлар, мутахассислар, ижодкор зиёлилардан иборат "Маърифат" тарғиботчилар жамиятини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини доимий асосда йўлга қўйиш;

дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий ва ғоявий-мафкуравий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ёритиб бориш, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, "оммавий маданият", наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали ғоявий кураш олиб бориш;

жамиятимизнинг барқарор ривожланишига тўсқинлик қилаётган ички таҳдидлар — эл-юрт тақдирига лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, оилавий қадриятлар ва ёшлар тарбиясига эътиборсизлик каби ҳолатларга барҳам беришга қаратилган комплекс тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

миллий ғояни юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар, ижтимоий тоифа вакиллари ўртасида кенг тарғиб этиш, бунёдкорлик руҳини ялпи ижтимоий ҳаракатга айлантириш, эртанги кунга ишонч туйғуларини кучайтириш;

тарғибот-ташвиқот ишларида аҳолининг ҳудудий, касбий ҳамда ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мутаносиб, мақсадли ва мазмунли ёндашувни жорий этиш;

маънавий-маърифий тарғибот ишлари самарадорлигининг илмий асосланган мониторингини таъминлашга қаратилган социологик тадқиқотлар ўтказишни мунтазам йўлга қўйиш;

ёшларда соғлом дунёқараш, жумладан, китобхонлик кўникмасини шакллантириш, интернет, ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланиш маданиятини ошириш, уларда ғоявий ва ахборот хуружларига қарши мафкуравий иммунитетни кучайтириш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда Тошкент вилояти халқ таълими тизимида 1348 та таълим муассасаси, жумладан, 406 та мактабгача таълим муассасаси, 871 та умумий ўрта таълим мактаби, 2 та Меҳрибонлик уйи, 31 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 19 та "Баркамол авлод" маркази, 19 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Қабул қилинган давлат дастурлари доирасида мазкур таълим муассасаларининг самарадорлигини ошириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, вилоятда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларни мактабга тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш, ёшларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш борасида таълим муассасаларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш йўналишларида қатор долзарб масалалар мавжуд.

Тошкент вилояти мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилар, бошланғич синф ўқитувчилари, айниқса, аниқ фанлар ва чет тиллари бўйича ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ҳамда халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини жойларда ташкил этишни янада такомиллаштириш ва таълим сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Иқтисодиёт ва Молия вазирликларининг таклифларига мувофиқ Халқ таълими вазирлиги таркибида Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ташкил этилсин.

2. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун юқори малакали ўқитувчиларни талаб даражасида сифатли тайёрлашни таъминлаш;

педагогик таълим соҳасини ривожлантиришнинг илмий-методик вазифаларини ҳал этишга, илғор хорижий педагогик технологияларни жорий этишга йўналтирилган илмий тадқиқотларни олиб бориш ва иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш;

юртимизнинг педагогика фани бўйича қадимдан ривожланиб келган ютуқлари, хорижий мамлакатлар таълим муассасаларининг тажрибаси ва Тошкент вилояти туманлари таълим муассасалари талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, тегишли йўналишлар ҳамда мутахассисликлар бўйича ўқув-услубий адабиётларни яратиш;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИ УЧУН МУҲАНДИС-ТЕХНИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Таъкидлаб ўтилсинки, сўнгги йилларда Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва саноат тармоқларида чуқур таркибий ўзгартиришлар, уни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш доирасида "Ангрен" эркин иқтисодий зонаси ташкил этилди.

Ёқилғи-энергетика, тоғ-кон, кимё ва бошқа тармоқларда замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳаллий хом ашё асосида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш давом эттирилмоқда.

Саноат ишлаб чиқариш тармоқларининг узоқ муддатли ва барқарор ривожланиши, янги ишлаб чиқариш воситаларини амалга татбиқ қилиш, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишдаги самарадорлигини таъминлаш ва юқори оширилган қийматдаги маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича белгиланган вазифалар илғор халқаро тажрибалар асосида юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни талаб этади.

Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда олий техник таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида:

1. Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали (кейинги ўринларда — Филиал деб аталади) ташкил этилсин.

2. Филиалнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш;

фундаментал ва амалий тадқиқотлар соҳасидаги халқаро ютуқларни ўрганиш асосида фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасидаги маҳаллий илмий ва интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича янги илғор технологияларни ишлаб чиқиш, уларни республиканинг геологик ва иқлим шароитидан келиб чиққан ҳолда амалиётга татбиқ қилиш;

(Давоми 3-бетда).

БОЗОР ТАЛАБИНИ БИЛГАН ТАДБИРКОР ЮТҚАЗМАЙДИ

Юртимизда тадбиркорлик ҳаракати кун сайин ривожланиб бораётгани замирида яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳити, хусусий секторга берилаётган катта эътибор мужассам. Жойларда ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, кўплаб корхоналар ташкил этилиб, ички бозоримиз сифатли маҳсулотлар билан бойимоқда. Уларнинг экспорт салоҳияти юксалаётгани эса янада диққатга сазовордир.

ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги "Pallada Investment" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона фаолияти фикримизнинг яққол тасдиғидир. Зеро, жорий йилда автоматлаштирилган тайёр эшик ва дераза ромлари тайёрловчи завод сифатида иш бошлаган мазкур саноат субъекти қисқа давр ичида аҳоли ишончини оқлади. Европа технологияси асосида, "Imzo-Akfa" бренди остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам тобора харидоргир бўлиб бораётгани ана шундан далолат беради.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

ўқув ва илмий лойиҳаларни амалга ошириш, таълим ва илмий изланишлар жараёнига мутахассисларни жалб этиш мақсадида педагогика соҳасидаги етакчи республика ва хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказлари билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

хорижий олий таълим муассасалари ва илмий марказларига ёш истиқболли битирувчиларни магистратура ва докторантурага мунтазам юбориш орқали Институт илмий-педагогик салоҳиятини ошириб бориш.

3. Қуйидагилар:

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш, унинг моддий-техник базасини шакллантириш ва илмий-педагогик кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирига зарур ҳолларда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг тузилмасига ходимларнинг белгиланган нормативларига мувофиқ ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг факультет ва кафедралари босқичма-босқич талабалар ва профессор-ўқитувчилар таркибига мувофиқ ўрнатилган тартибда шакллантириб борилсин.

4. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг 2017/2018 ўқув йили учун қабул квоталари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси 2017/2018 ўқув йили учун Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг талабалари контингентини Тошкент вилоятида доимий яшаётган, Тошкент давлат педагогика университети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириб, мазкур таълим муассасаларига белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида ўқишга қабул қилинмаган мос ва турдош таълим йўналишлари абитуриентлари ҳисобидан, Тошкент вилояти туманлари таълим муассасалари эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда шакллантирсин.

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига 2017/2018 ўқув йили учун талабалар ўқишга амалдаги базавий тўлов-контракт миқдори бўйича тасдиқланган квота доирасида қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида вилоятдаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари ва олий таълим муассасалари ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг таълим мазмунини такомиллаштириш бўйича фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил қилинсин. Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқлансин.

Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

Тошкент вилоятидаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш, шунингдек, педагогик кадрлар ва соҳа мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш муассасаларининг илмий-методик базаларини шакллантиришни мувофиқлаштириш ва ўқув-методик раҳбарликни амалга ошириш;

педагогика соҳасидаги талаб ва илғор хорижий тажриба, ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этишни ҳисобга олган ҳолда, вилоят таълим муассасаларида давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурларини тизимли равишда такомиллаштиришни амалга ошириш;

вилоятдаги педагогика соҳасида илмий-услубий ишлар, жумладан, фундаментал, амалий ва инновацион илмий изланишлар олиб боришни мувофиқлаштириш;

вилоят таълим муассасалари илмий-педагогик салоҳиятини ошириш, жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни мақсадли тайёрлаш асосида, педагогика соҳасини ривожлантиришнинг стратегик вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, вилоятдаги таълим муассасалари раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини сифатли ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш.

6. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги Халқ таълими вазирлигининг таклифига асосланиб Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти учун таянч олий таълим муассасаларига докторантурага 2018 йил учун мақсадли квоталар ажратсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги 2017 йил 1 сентябргача:

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти (кейинги ўринларда — Институт) уставини тасдиқлаб, ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин;

Институт томонидан тасдиқланган штатлар жадвали ва харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказсин;

республика таълим ва илмий муассасаларининг тажрибали ходимлари, жумладан, Тошкент давлат педагогика университети ва бошқа таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари таркибидан ўрнатилган тартибда Институтни юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминласин;

Институт таълим йўналишлари ўқув режаларига мувофиқ фанларни ўқув адабиётлари ва илмий-методик қўлланмалар билан ҳамда ўқув хоналарини замонавий лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб Институт учун зарур педагог кадрларни жалб қилиш учун соатбай асосида ҳақ тўлаш ва ўқув адабиётлари билан таъминланишини молиялаштиришнинг аниқ чораларини кўрсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент кимё-технология институти қошидаги Чирчиқ академик лицейига тегишли, Чирчиқ шаҳар, Истиқбол кўчаси, 2-“А” уй ва Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежига тегишли, Чирчиқ шаҳар, Амир Темур кўчаси, 104-уйда жойлашган бинолари ва иншоотлари ҳудудлари билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул фойдаланишга бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки, Тошкент кимё-технология институти қошидаги Чирчиқ академик лицейи ва Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг 2 ва 3-курс ўқувчилари битиргунларига қадар Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг биноларида ижара тўловисиз жойлашади.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси хорижий давлатларнинг нуфузли университетлари ва илмий марказларида 2018 йилдан бошлаб Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти профессор-ўқитувчиларининг малакасини ошириш ишларини ташкил этсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг 2018 йилга ва кейинги йилларга параметрларини шакллантиришда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти объектларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

12. Белгилаб қўйилсинки, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини сақлаш харажатлари 2017 йилда “Маориф” соҳаси бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида, 2018 йилдан бошлаб эса мазкур соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

13. Қуйидагилар Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва мақсадли бадаллари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

14. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини электрон таълим миллий тармоғига улаш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига 2 та, шу жумладан, 1 та хизмат, 1 та махсус енгил автотранспорт воситаси сақлашга лимит ажратсин.

16. Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида Тошкент шаҳридан қатнаб ишловчи профессор-ўқитувчи ва ишчи-ходимларга бориш-келиши учун тегишли шароитлар ташкил этилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Н. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда олий таълим тизимини модернизация қилиш, унга ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларини кенг жорий этиш, олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими самарадорлигини таъминлаш борасида қатор ишлар қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратишда муҳим қадам бўлди.

Шу билан бирга, олий маълумотли мутахассисларни ҳудудлар ва соҳалар бўйича жорий этилаётган дастурларнинг талаб ва эҳтиёжлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни комплекс тараққий эттириш истиқболларини инобатга олган ҳолда тайёрлаш тақозо этилмоқда.

Бугунги кунда Тошкент вилояти халқ таълими тизимида 1348 та таълим муассасаси, жумладан, 406 та мактабгача таълим муассасаси, 871 та умумий ўрта таълим мактаби, 2 та Меҳрибонлик уйи, 31 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 19 та “Баркамол авлод” маркази, 19 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Қабул қилинган давлат дастурлари доирасида мазкур таълим муассасаларининг самарадорлигини ошириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори вилоятдаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тарбиячилар, бошланғич синф ўқитувчилари, айниқса, аниқ фанлар ва чет тиллари бўйича ўқитувчиларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, туманлар ва қишлоқ жойларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлашни яхшилаш мақсадида қабул қилинди.

Қарор билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг асосий вазифалари, тузилмаси ва фаолиятини ташкил этиш, моддий-техника базасини шакллантириш ҳамда илмий-педагогик кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.

Шунингдек, қарорда Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтига 2017/2018 ўқув йили учун 750 та қабул квоталари ажратилиб, Институтга талабалар контингентини Тошкент вилоятида доимий яшаётган, Тошкент давлат педагогика университети ва бошқа турдош олий таълим муассасаларига ҳужжат топшириб, мазкур таълим муассасаларига белгиланган тўлов-контракт квоталари доирасида ўқишга қабул қилинмаган мос ва турдош таълим йўналишлари абитуриентлари ҳисобидан, Тошкент вилояти туманлари таълим муассасалари эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда шакллантириш белгиланган. Бунда талабаларни ўқитишнинг амалдаги базавий (оширилмаган) тўлов-контракт миқдори асосида тасдиқланган квота доирасида қабул қилиш амалга оширилади.

Мазкур қарор билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида вилоятдаги мактабгача, мактаб ва мактабдан ташқари ва олий таълим муассасаси ҳамда вилоят педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг таълим мазмунини такомиллаштириш бўйича фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашни ташкил қилиш ва унинг асосий вазифалари белгиланмоқда.

Институт учун 2018 йилда таянч олий таълим муассасаларида докторантурага мақсадли квоталар ажратиш, уставини ва штат жадвалларини тасдиқлаш, юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва фанларни ўқув адабиётлари ва илмий-методик қўлланмалар билан ҳамда ўқув хоналарини замонавий лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш, шунингдек, объектларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш юзасидан вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилмоқда.

Шунингдек, тегишли вазирлик ва идораларга Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтини электрон таълим миллий тармоғига улаш чораларини кўриш топширилган.

Ушбу қарорнинг қабул қилиниши Тошкент вилояти туманлари ва қишлоқларидаги таълим муассасаларини юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли педагог кадрлар тайёрлашни жойларда ташкил этиш ва таълим сифатини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг олий таълим билан қамрови даражасини ошириш имкониятини яратишда яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

маҳаллаларда уюшмаган ёшлар билан ишлаш, ушбу тоифани ижтимоий-иқтисодий фаоллаштиришда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия анъаналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Республика Маънавият ва маърифат кенгашига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари тегишли равишда ҳудудий кенгашларга жамоатчилик асосида раислик қиладилар.

4. Қайта ташкил этилаётган Марказ Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши инобатга олинсин.

5. Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ташкилий тузилмаси, Республика Маънавият ва маърифат марказининг тузилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг намунавий тузилмалари 1 — 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

6. Марказ раҳбарига унинг тузилмасига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:

Марказ ва унинг ҳудудий бўлимлари ҳамда бўлинмалари фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Марказ раҳбари мақоми, маиший таъминоти, тиббий ва транспорт хизматидан фойдаланиш шарт-шароитларига кўра — вазирга, Марказ раҳбарининг биринчи ўринбосари ва ўринбосари — тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарига тенглаштирилади;

Марказ ходимларига давлат бошқаруви органлари ходимлари учун белгиланган иш ҳақи, мукофотлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш шартлари татбиқ этилади.

8. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Марказ ҳамда “Тафаккур” ва “Маънавий ҳаёт” журналлари таҳририятини жойлаштириш учун бино ажратиш бўйича таклиф киритсин.

9. Марказ бир ой муддатда ўз Уставини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Республика Маънавият ва маърифат кенгашига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарорни амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаштириш учун зарур бўлган маблағларни 2017 йилда Ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида ажратсин, 2018 йилдан бошлаб эса — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин;

Марказга 5 та автотранспорт воситасини, жумладан, 3 та хизмат кўрсатадиган, 1 та навбатчи ва 1 та махсус автобусни сақлаб туриш учун ҳамда Марказнинг ҳудудий бўлимларига жами 14 та хизмат кўрсатадиган автотранспорт воситасини сақлаб туриш учун лимит ажратсин.

11. Республика Маънавият ва маърифат маркази Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Марказ, ҳудудий бўлимлар ва бўлинмалар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

12. Марказ манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти лекторлари фаолиятини молиялаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқсин ҳамда Республика Маънавият ва маърифат кенгашига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Марказни зарур телекоммуникациялар, интернет ахборот тармоғига кириш ва телефон алоқаси, жумладан, ҳукумат телефон алоқаси билан белгиланган тартибда таъминласин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари икки ой муддатда Марказнинг ҳудудий бўлимлари ва бўлинмаларини белгиланган тартибда зарур хизмат хоналари, мебель жамламаси, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва интернет тармоқлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги ПҚ-451-сон қарори ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

16. Республика Маънавият ва маърифат маркази манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Х. Султонов, Р. Комилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 28 июль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИ УЧУН МУҲАНДИС-ТЕХНИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

тоғ-кон ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш, уларни энг замонавий халқаро фан ва технологиялар ютуқлари асосида қайта тайёрлаш;

энг илғор хорижий олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан кенг ҳамкорликни амалга ошириш.

3. Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиалининг таркибий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирига, зарур ҳолларда, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиалининг тасдиқланган таркибий тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган умумий чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

Филиал Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг юридик шахс мақомидаги таркибий тузилмаси ҳисобланиб, кундузги, махсус сиртқи ва кечки таълим шаклида кадрлар тайёрлашни амалга оширади.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2017 йил 1 сентябргача:

Филиал Устави ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ҳамда унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Филиални танлов асосида юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан, шу жумладан, фаолияти тугатилаётган Навоий давлат кончилик институтининг Олмалиқ факультети профессор-ўқитувчилари ҳисобидан таъминлаш чораларини кўрсин;

Филиалда ўқув-методик жараённинг ташкил этилишини таъминлаш, штатлар жадвали ва харажатлар сметасини тасдиқлаш, уни ўқув адабиётлари, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин.

5. Қуйидагилар Филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатиш, талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ва мақсадли бадаллари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилаб қўйилсинки, 2017/2018 ўқув йили учун Филиалнинг бакалавриат таълим йўналишларига қабул ўқитиш шакллари бўйича қуйидагича:

кундузги бўлимга Навоий давлат кончилик институтининг Олмалиқ факультетига 2017/2018 ўқув йили учун белгиланган квота ҳисобидан;

махсус сиртқи ва кечки бўлимларга 2-иловага мувофиқ амалга оширилади.

7. Белгилаб қўйилсинки:

2017/2018 ўқув йилида Филиалнинг махсус сиртқи ва кечки бўлимларига мақсадли қабул ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига, камида уч йиллик амалий иш стажига эга бўлган ҳамда "Олмалиқ КМК" АЖ, "Навоий КМК" ДК, "Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ, "Ўзбеккўмир" АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг йўлланмаси берилган кадрлар ҳисобидан суҳбат асосида амалга оширилади;

суҳбат Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва "Олмалиқ КМК" АЖ томонидан тасдиқланадиган Махсус комиссия томонидан ўтказилади;

махсус сиртқи ва кечки бўлимларга ўқишга қабул қилинганда ўқишни якунлагандан сўнг кўрсатилган жойда мажбурий равишда беш йилдан кам бўлмаган муддат ишлаб бериш шарти билан тегишли ташкилот, Филиал ва талаба ўртасида уч томонлама шартнома тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига Филиалда таълим олиш учун йўлланма берувчи ташкилот ва корхоналар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига "Олмалиқ КМК" АЖ, "Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ, "Ўзбеккўмир" АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги ва бошқа манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда ҳар йили юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш ва унинг натижаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кейинги ўқув йилларида Филиалга таълим шакллари, йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича қабул қилинадиган талабалар сони бўйича таклифлар киритиш юклатилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Олий таълим муассасалари махсус сиртқи (сиртқи) ва кечки бўлимлари тўғрисида Низомни ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Навоий КМК" ДК, "Олмалиқ КМК" АЖ ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг:

Навоий давлат кончилик институтининг Олмалиқ факультети фаолиятини тугатиш;

факультетнинг 2016/2017 ўқув йили бакалавриати 1 — 3 курс талабалари ўқишини турдош ва мос йўналишлар бўйича Навоий давлат кончилик институтига ёки янги ташкил қилинаётган Филиалга кўчириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Белгилансинки, Навоий давлат кончилик институтининг Олмалиқ факультети талабалари орасидан ўқишни Ўзбекистон Республикасининг бошқа олий таълим муассасаларида давом эттиришни истаганлар ўқишини кўчириш Ўзбекистон Республикасининг таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

Филиални сақлаш харажатлари 2017 йилда "Маориф" соҳаси бўйича тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида, 2018 йилдан бошлаб эса мазкур соҳага ҳар йили ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурининг 2018 йилга ва кейинги йилларга параметрларини шакллантиришда Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали объектларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

Филиалга иккита, шу жумладан, битта хизмат ва битта навбатчи енгил автотранспорт воситасини сақлашга лимит ажратсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Навоий давлат кончилик институтининг асосланган ҳисоб-китоблари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2017 йил харажатлар параметрига ушбу қарор асосида тегишли ўзгартиришлар киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Филиалнинг буюртманомалари бўйича Филиал ўқув жараёнида иштирок этувчи хорижий мутахассисларга давлат божи тўламасдан кўп маротабали кириш визаларини расмийлаштириш ва узайтириш, шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркибини вақтинча рўйхатдан ўтказилишини ва вақтинча рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини таъминласин.

15. Филиалга ўқитувчилик ва илмий иш учун шартнома асосида таклиф этиладиган хорижлик профессор-ўқитувчиларнинг яшаши ва транспорт харажатлари учун тўловларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича миллий валютада тўлашга рухсат берилсин.

16. Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олмалиқ шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчасида жойлашган Навоий давлат кончилик институти қошидаги Олмалиқ академик лицейининг бинолари ва иншоотларини Филиалга оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул фойдаланишга бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

17. "Олмалиқ КМК" АЖга бошқа асосий кадрлар буюртмачилари билан биргаликда Филиалнинг моддий-техника ва лаборатория базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнига чет эллик олимлар, ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб этишда кўмаклашиш тавсия этилсин.

18. Россиянинг Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСиС"нинг Олмалиқ филиалини ташкил этиш бўйича Ташкилий қўмитаси таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита (Ибрагимов F. И.) уч ой муддатда амалга оширилган ишлар натижаси асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 июндаги "Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Термиз филиали фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3101-сон қарорининг 3-иловаси матни 4-иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А. Н. Юнусходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 27 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ "ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИ УЧУН МУҲАНДИС-ТЕХНИК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Сўнгги йилларда Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва саноат тармоқларида чуқур таркибий ўзгартиришлар, уни модернизация ва диверсификация қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ёқилғи-энергетика, тоғ-кон, кимё ва бошқа тармоқларда замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳаллий хом ашё асосида янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқиш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Шу билан бирга, саноат ишлаб чиқариш тармоқларининг узоқ муддатли ва барқарор ривожланиши, янги ишлаб чиқариш воситаларини амалга татбиқ қилиш, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишдаги самарадорлигини таъминлаш ва юқори оширилган қийматдаги маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича қўйилган вазифалар илғор халқаро тажрибалар асосида юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори Тошкент вилоятида саноат ишлаб чиқариш соҳаси учун олий маълумотли юқори малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда олий техник таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтиришни назарда тутади.

Қарор асосида Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг Олмалиқ филиали ташкил этилиб, у Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг таркибий тузилмаси ҳисобланади ва кундузги, махсус сиртқи ҳамда кечки таълим шаклида кадрлар тайёрлашни амалга оширади.

Қарорда 2017/2018 ўқув йили учун Филиалнинг бакалавриат таълим йўналишларига қабул квоталари белгиланган бўлиб, кундузги бўлимга қабул Навоий давлат кончилик институтининг Олмалиқ факультетига 2017/2018 ўқув йили учун белгиланган квота ҳисобидан амалга оширилади, махсус сиртқи ва кечки бўлимларга эса 150 (шу жумладан, махсус сиртқига — 75, кечкига — 75) та квота ажратилган.

2017/2018 ўқув йилида Филиалнинг махсус сиртқи ва кечки бўлимларига мақсадли қабул фақат ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотига ҳамда камида уч йиллик амалий иш стажига эга бўлган, "Олмалиқ КМК" АЖ, "Навоий КМК" ДК, "Ўзбекистон металлургия комбинати" АЖ, "Ўзбеккўмир" АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг йўлланмаси берилган шахслар қаторидан суҳбат асосида амалга оширилиши белгилаб қўйилган.

Махсус сиртқи ва кечки бўлимларга ўқишга қабул қилинганда ўқишни якунлагандан сўнг кўрсатилган жойда мажбурий равишда беш йилдан кам бўлмаган муддат ишлаб бериш шарти билан тегишли ташкилот, Филиал ва талаба ўртасида уч томонлама шартнома тузилиши белгиланган.

Шу билан бирга, Филиалга ўқитувчилик ва илмий иш учун таклиф этиладиган чет эллик профессор-ўқитувчиларнинг яшаши ва транспорт харажатлари учун тўловни Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича миллий валютада тўлаш ҳуқуқи берилган.

Филиалга Олмалиқ шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчасида жойлашган Навоий давлат кончилик институти қошидаги Олмалиқ академик лицейининг бинолари ва иншоотлари оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул фойдаланишга берилади.

Қарор асосида "Олмалиқ КМК" АЖга бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда Филиалнинг моддий-техника ва лаборатория базасини мустаҳкамлаш, таълим жараёнига чет эллик олимлар, ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб этишда кўмаклашиш тавсия этилган.

Шунингдек, ушбу қарор билан Россиянинг Федерал давлат автоном олий таълим муассасаси "Миллий технологик тадқиқотлар университети "МИСиС"нинг Олмалиқ филиалини ташкил этиш бўйича Ташкилий қўмита аъзолари тасдиқланган.

Ушбу қарорнинг қабул қилиниши Тошкент вилоятининг саноат ишлаб чиқариш тармоқ корхоналари учун малакали муҳандис-техник кадрлар тайёрлашни таъминлаш имконини беради.

Қўмиталар ва фракцияларда қонун лойиҳалари қизғин муҳокама қилинмоқда

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида бир қатор янги қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Унда қонун лойиҳалари дастлабки тарзда қўмиталарнинг кенгайтирилган йиғилишларида ишчи гуруҳи аъзолари иштирокида қизғин муҳокама этилиб, ушбу ҳужжатларни палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинаяпти.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Чунончи, парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббуси билан киритилган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги янги қонун лойиҳаси, шунингдек, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги ҳамда "Парламент назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида"ги қонунлар лойиҳалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Очиқ ва қизғин мунозара тарзида ўтган тадбирда янги қонун лойиҳаларида кўзда тутилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар хусусида фикр алмашилди. Депутатлар, хусусан, қўмита экспертлари ва ННТ вакиллари тажриба ҳамда амалиётда учраётган муаммолардан келиб чиқиб, қонун лойиҳаларини мукамма-лаштириш бўйича зарур тавсияларни ўртага ташладилар.

Маълумки, юртимизда хусусий мулк давлат ҳимоясига олиниб, ўрта мулкдорлар синфи шаклланди. Соҳада олиб борилган ислоҳотлар самараси ўлароқ, бугунги кунда биргина кичик тадбиркорлик субъектлари сони 210 мингдан ошди. Тадбиркорлик фаолиятига қулай шарт-шароитлар яратишга оид 1200 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Айни пайтда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонунлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида ишлаб чиқилган **"Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил тўғрисида"ги** янги қонун лойиҳаси иштирокчилар томонидан атрофлича муҳокама этилди. Ушбу ҳужжатда Вакил томонидан тадбиркорлик субъектларининг шикоятларини кўриб чиқишига оид алоҳида модда киритилаётгани, унинг нечоғли аҳамиятга эгалиги хусусида тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, **"Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги** қонун лойиҳаси юзасидан қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Унга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳаётий зарурат экани таъкидланди. Бинобарин, амалдаги Қонун мурожаатлар билан ишлашнинг замонавий усулларини назарда тутмаслиги, жумладан, мурожаатларни қабул қилиш ва кўриб чиқишда интерактив усуллардан кенгроқ фойдаланиш, мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларини нашр этиб бориш, такрорий мурожаатлар билан ишлаш, фуқароларни сайёр ёки видеоконференцалоқа ёрдамида масофавий қабул қилиш, соҳадаги янги институт — "Халқ қабулхонаси"га оид қоидалар, "Ишонч телефонлари" орқали мурожаатни қабул қилиш ва кўриб чиқишга оид нормалар мавжуд эмаслиги қайд этилди.

"Парламент назорати тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига киритилаётган қўшимча қонун ҳужжатлари ижроси ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганишни нафақат Олий Мажлис палаталари қўмиталари, балки Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари томонидан ҳам амалга оширилиши ҳуқуқи берилишига қаратилгани йиғилиш иштирокчилари томонидан алоҳида таъкидланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси йиғилишида **"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги** қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Мазкур ҳужжат билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 77-моддасига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Чунончи, ушбу моддага учинчи қисм билан ўрмон фонди ерларида чорва молларини ўтлатишга оид тақиқ талабларини бузиши бўйича қоида киритилаяпти. Ўрмон фонди ерларида чорва молларини ўтлатишга оид тақиқ талабларини бузганлик учун фуқаролар ва мансабдор шахсларга солинадиган жарима миқдори оширилмоқда.

Таъкидлаб ўтилганидек, ушбу ўзгартиш ва қўшимчалар республика давлат ўрмон фондидаги ўрмон ресурсларини муҳофаза қилиш, жумладан, ўсимликлар ўсаётган табиий муҳит пайҳон бўлишининг, ўрмон фонди ҳудудидаги ерларда чорва молларини боқишга оид тақиқ талаблари бузилишининг олдини олиш, содир этилган ҳуқуқбузарликларга нисбатан қўлланиладиган жарима санкцияларининг таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

* * *

Мазкур қонун лойиҳалари сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишларида ҳам атрофлича кўриб чиқилиб, уларнинг ушбу масалалар юзасидан нуқтаи назари белгилаб олинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари **"Болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги** қонун лойиҳасининг ҳаётимизда нечоғли аҳамиятга эгалигига эътибор беришди.

Қайд этилганидек, Президентимизнинг жорий йил 14 мартдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган мазкур қонун лойиҳаси болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан уларни ҳимоя қилиш ва ахборот олиш кафолатларини таъминлаш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий шарт-шароитларни яратиш, болаларни бузғунчи, руҳиятига зарар етказувчи таъсирлардан ҳимоя қилиш, саломатлигига зиён етказувчи ахборот тарқатилишининг олдини олишга қаратилган.

Муҳокамалар чоғида фракция аъзолари дунёнинг турли минтақаларида зиддиятлар, беқарорлик кучайган, ихтилофлар давом этаётган бир шароитда ёшларни турли зарарли таъсирлардан асраб-авайлаш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлаб, уни концептуал жиҳатдан маъқулладилар.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилишида ушбу ҳужжатлар билан бир қаторда, **"Ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш тўғрисида"ги** қонун лойиҳаси муфассал кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўз вақтида ижрочиларга етказилиши, аҳолига уларнинг мазмунмоҳияти тушунтирилишини сифатли таъминлаш, ҳуқуқий ахборотни тарқатишнинг самарали, яхлит тизими ва механизмини яратиш ҳамда ҳозирги шароитда аҳолининг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, жамиятда ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражасини янада юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш соҳасидаги ишлар самарасини оширишга оид нормалар акс этган.

Депутатлар муҳокамалар чоғида қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифларни билдиришди.

Зиёда АШУРОВА.

30 ИЮЛЬ — БУТУНЖАҲОН ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШИШ КУНИ

Тасаввур қилинг, кечагина уйида, оиласи бағрида хотиржам яшаган, топиш-тутишидан қаноатланган инсон бугун ўз нафсининг сўзига кириб, яқинларидан анча узоқда, хору зорликда, ҳақ-ҳуқуқидан буткул мосуво бўлиб, одам савдоси қурбонига айланиб қолмоқда. Айни пайтда ушбу иллат чегара танламаслиги ҳамда гирдобига, асосан, ёшлар ва аёлларни тортаётганлиги билан дунё ҳамжамиятида катта ташвиш ва хавотир уйғотаяпти. Тан олиш керакки, мазкур жиноий фаолият ортида донорлик, қуллик, ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбурлаш каби қабиҳ қилмишлар мужассамки, бунга қарши қатъий курашиш, аниқ чора-тадбирларни қўллаш бугунги кунда ҳаётий заруратдир.

БМТ томонидан 2013 йилда 30 июль — Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш куни сифатида белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ушбу сана арафасида матбуот анжумани ташкил этилди. Мухбиримиз мазкур тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими бошлиғи Гулноза РАҲИМОВА билан мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш, унга қарши курашиш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.

АЛДОВ ҚУРБОНИ БЎЛМАНГ!

— Одам савдоси инсон шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид соладиган трансмиллий жиноятлардан биридир. Буни кўплаб ҳаётий мисоллар орқали кузатишимиз мумкин. Ана шу йўналишда олиб борилаётган ишлар нечоғли самара бераяпти?

— Таассуфки, айни даврга келиб, одам савдоси мўмай фойда келтирувчи фаолият турларидан бирига айланиб улгурди. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ушбу иллат жаҳон миқёсида тобора чуқурроқ илдиз отиб бораётганига гувоҳ бўламиз. БМТ маълумотларига кўра, дунёда қулга айланиб қолаётган фуқароларнинг сони йилдан-йилга ортиб бораяпти. Айни вақтда мазкур иллат чангалига илиниб, аянчли аҳволга тушиб қолганлар сони 20 миллион нафардан ортиқни ташкил қилмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, ҳар йили дунёда 4 миллиондан ортиқ инсон ўз эркига зид равишда қулга айланаяпти. Халқаро экспертлар берган маълумотларга кўра, мазкур жиноятдан тушаётган йиллик даромад миқдори қарийб 150 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

2013 йилда БТМнинг Бош Ассамблеяси томонидан маъқулланган Резолюцияга асосан, 30 июль — Бутунжаҳон одам савдосига қарши курашиш куни, деб эълон қилинди ҳамда ушбу иллатга қарши янада жиддий курашиш долзарб, кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида белгиланди. Ҳозирги кунга келиб, юртимизда бу борадаги ишлар таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда мазкур соҳада, энг аввало, халқаро ҳамжиҳатлик йўлга қўйилганини эътироф этиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси ҳамда якуний Баённомаси, Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенция ва уни тўлдирувчи "Одам савдосининг, айниқса аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида"ги қўшимча Баённомаси, Болаларни бошқа мамлакатларга ўғирлаб кетишнинг фуқаролик жиҳатлари тўғрисидаги Гаага конвенцияси каби кўплаб халқаро ҳужжатлар иштирокчисига айланди. Шунингдек, бу борада хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан, одам савдосининг хавфли кўринишларига қарши кураш ҳақида ўттиздан ортиқ шартнома ва келишувлар имзоланди.

— Одам савдосига қарши самарали курашиш нафақат мазкур фаолиятни халқаро ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш, шу билан бирга, миллий қонунчиликни такомиллаштириш, унинг ижросини сўзсиз бажаришни ҳам тақозо этади. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, мамлакатимизда ушбу жиноятга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий асослар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни юртимизда бу офатга барҳам бериш, ундан жабрланганларни ҳимоя қилишда муҳим пойдевор бўлди. Бинобарин, мазкур ҳужжат "одам савдоси" тушунчасини халқаро стандартларга мувофиқ мустаҳкамлади ва ушбу фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва уларнинг ваколатларини белгилаб берди. Шу билан бирга, одам савдоси қурбонларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга ёрдам кўрсатиш масалаларини давлат миқёси даражасига кўтарди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан юқоридаги Қонун нормалари амалиётга татбиқ этилди. Мазкур ҳужжат билан 2008 — 2010 йилларда одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича биринчи Миллий тадбирлар режаси тасдиқланиб, тегишли давлат органлари ва жамоат ташкилотлари олдига аниқ вазифалар қўйилди. Шуни қайд этиш керакки, ҳозир мамлакатимизда ана шу йўналишдаги бешинчи чора-тадбирлар дастури амалга оширилаяпти.

Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация маркази ташкил қилинди, унинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгиланди, тузилмаси ҳамда низоми тасдиқланди. Марказ малакали мутахассислар билан таъминланган бўлиб, бу ерда одам савдоси жабрдийдаларининг яшаши, тиббий, психологик, юридик ва бошқа ёрдам олиши учун барча шароит яратилган.

Мазкур Қонун қабул қилингани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ, ушбу тоифадаги жиноятлар учун жазо чоралари кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 23 июндаги "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим ҳужжатлардан бири эканини қайд этиш жоиз. Чунки биометрик маълумотларга эга паспортларнинг жорий этилгани давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялашда муҳим омил бўлмоқда.

Қолаверса, 2013 йил 7 октябрда имзоланган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонун билан "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонун ҳамда Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Унга кўра, одам савдосидан жабрланганлар давлат томонидан аҳолининг айрим тоифаларини ишга жойлаштиришдаги қўшимча кафолатлар таъминланадиганлар орасига киритилган.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 14 мартдаги қарори билан Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича 2017-2018 йилларга мўлжалланган Дастур тасдиқланиб, унда одам савдосига қарши курашишни янада такомиллаштиришга оид бир қатор муҳим тадбирлар киритилди. Шу хусусда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Дастурда, энг аввало, ушбу соҳага оид ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштиришга доир чоралар акс этди. Чунончи, "Меҳнат миграцияси тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг одам савдосидан жабрланганлар мажбурлов ёки таҳдид остида содир этган қилмиши учун фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод қилиниши ҳақидаги нормасини амалга ошириш тартибини белгилаш назарда тутилди. Иш берувчиларнинг қатъий меҳнат қонунчилиги доирасида ходимлар билан меҳнат муносабатларига киришишларини рағбатлантириш, ходимларни, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ноқонуний ва норасмий ёллашни истисно қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш муҳим жиҳатлардан бири бўлди. Хорижий давлатлардаги меҳнат мигрантлари муаммоларини таҳлил қилиш, уларни бартараф этишда амалий ёрдам бериш фаолиятини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дастур асосида, шунингдек, 2017-2018 йилларда хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан одам савдосига қарши курашиш ва одам савдосидан жабрланганларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаларни тузишга оид таклифлар киритиш, республика ҳудудидан узоқ муддатга чиқиб кетган фуқаролар билан замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлашни ташкил этиш тартибини белгилашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тайёрланди. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ташриф буюрган давлати, шу жумладан, дипломатик ваколатхоналар ва консуллик муассасаларининг жойлашуви ҳақидаги маълумотларни тақдим этувчи "Сафаркомпаси" электрон мобиль алоқа дастурини яратиш кўзда тутилгани алдов қурбонлари сони камайишига олиб келади.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори билан Одам савдосига қарши курашиш бўйича республика идороларо комиссияси тўғрисидаги янги низом ва унинг янгиланган таркиби тасдиқланди. Эндиликда ушбу комиссия фаолиятини бошқариш ИИВга ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича, Вояга етмаганлар ишлари бўйича, Одам савдосига қарши курашиш бўйича ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идороларо комиссиялар бўйича ягона мувофиқлаштирувчи орган этиб белгиланди.

— Одам савдосига қарши курашишда тарғибот-тушунтириш тадбирларининг амалга оширилиши аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини юксалтириш, ўз эркини бировлар қўлига топшириб қўйишнинг олдини олишда алоҳида аҳамият касб этади. Сизнинг бу борадаги фикрларингиз қандай?

— Албатта, одам савдосига қарши курашишда аҳоли ўртасида ушбу иллатнинг хавфи ва оқибатлари ҳақида кенг тушунтириш ишларини олиб бориш, фуқароларни бу борадаги вазиятдан огоҳ этиш ҳамда хабардорлигини таъминлаш жуда муҳим. Шу мақсадда 330 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди, уларнинг 15 мингдан кўпини оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар ташкил этади. Шу жумладан, прокуратура органлари томонидан 2369 та учрашув, суҳбат, давра суҳбатлари уюштирилиб, 789 та оммавий ахборот воситасида чиқишлар қилинди.

Айни пайтда ОАВ вакилларини одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги халқаро норма ва стандартлар, миллий қонунчилик асослари ҳамда бу борадаги хорижий тажриба билан таништириш мақсадида кўплаб тадбирлар уюштирилмоқда. Мисол учун, шу йилнинг 17 — 23 июль кунлари прокуратура органларида одам савдосига қарши курашиш бўйича ахборот ҳафталиги ўтказилди. Унинг доирасида одам савдосига қарши курашиш ва олдини олиш мавзуида аҳоли ўртасида 440 та учрашув, давра суҳбатлари ҳамда бошқа тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, матбуот, телевидение ва радио орқали 159 та чиқиш қилинди. Ўз навбатида, масъул ижрочилар билан ҳамкорликда семинарлар, конференциялар ташкил этиш, одам савдосига қарши курашишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини ижрочилар ва аҳолига етказиш режалаштирилган. Албатта, буларнинг барчаси одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Зиёда АШУРОВА суҳбатлашди.

БОЗОР ТАЛАБИНИ БИЛГАН ТАДБИРКОР ЮТҚАЗМАЙДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ҳақиқий ишбилармон қўлга киритилган муваффақият билан чекланиб қолмайди, — дейди корхона раҳбари Ҳаёт Иноғомов. — Аксинча, инновацион лойиҳаларни амалиётга қўллашни афзал билади. Зотан, соғлом рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги эркин бозор талаби — шу! Буни Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда туманимизга келиб, корхонамиз фаолияти билан танишган чоғида яна бир бор таъкидлаб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги маҳсулот турларини ўзлаштириш, маҳаллийлаштириш, экспорт кўламини кенгайтириш бўйича ўз кўрсатмаларини, қимматли маслаҳатларини берди.

Айни пайтда корхонамиз йилига 1,8 миллион квадрат метрлик маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Келгусида фаолиятимизни кенгайтириш эвазига ушбу кўрсаткични янада яхшилаш, қўшимча 500 кишининг бандлигини таъминлаш мўлжалланган.

Дарҳақиқат, мазкур ишлаб чиқариш субъектида деярли барча жараён автоматлаштирилган. Бундан ташқари, сифатга жиддий эътибор қаратилади. Яъни ҳар бир маҳсулот махсус лаборатория синовидан ўтказилгач, ишлаб чиқаришга рухсат этилади.

Лаборатория ишини кузатамиз. Бир ускуна тайёр эшик ёки ромни очиб-ёпаётган бўлса, бошқасида сув пуркалмоқда.

— Бу орқали тайёр қурилиш ашёларимиз механизмлари текширилади, — дея изоҳ беради корхонанинг лаборатория бўлими бошлиғи Баҳодир Расулов эшикни очиб-ёпаётган дастгоҳга ишора қилиб. — Ушбу жараён 25 минг маротаба такрорланади. Маҳсулот шунга бардош берса, яъни ҳеч қаерида камчилик кузатилмаса, демак, уни сотувга чиқариш мумкин. Табиий шароитларга мослиги сув, шамол ҳамда исоиқлик воситасида синовдан ўтказилса, хавфсизлиги минг Ньютон кучи билан 3 дақиқа давомида итариб турилганидан сўнг маълум бўлади. Хуллас, маҳсулотларимизни истеъмолчиларга ҳар томонлама маъқул тарзда етказиб бериш учун имкониятларимиз етарли.

Бугунги кунда корхонада 1100 киши доимий иш билан банд. Уларнинг аксарияти ёшлардан иборат. Яъни дунёнинг илғор компанияларидан келтирилган замонавий ускуналарни кечагина касб-ҳунар коллежларини битирган мутахассислар маҳорат билан бошқаришмоқда.

Пайвандлаш ускунаси оператори Сардор Абдуқодировни кузатамиз. Ҳаракатларидан ўз вазифасини яхши билиши яққол сезилиб турибди.

— Коллежда ўқиш давомида амалиётни мазкур жамоада ўтадим, — дейди у биз билан суҳбатда. — Устозлардан аста-секин меҳнат сирларини ўргандим. Мана, бугунги кунга келиб, мустақил иш юритаяпман.

Айни пайтда заводда ана шундай ғайратли ва ақлли ёшлар меҳнати туфайли ҳар 16 сонияда битта, бир кунда эса 2500 дона тайёр ром ва эшик конструкцияси ишлаб чиқарилиб, уларнинг бир қисми хорижлик буюртмачиларга сотилаяпти.

— Ҳозирги кунгача Қозоғистон, Қирғизистон ва Афғонистон Республикаларига 2290 квадрат метрдан ортиқ маҳсулот экспорт қилдик, — дейди "Imzo-Akfa" компаниясининг юридик департаменти бошлиғи Улуғбек Йўлдошев. — Келажакда улар қаторига Россия Федерацияси ва бошқа давлатлар ҳам қўшилади. Шунингдек, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Андижон ва Фарғона вилоятларида савдо ҳамда кўргазма залларига эгамиз. Шу билан бирга, логистика тизимимиз мавжуд бўлиб, уларга 200 дан ортиқ автотранспорт воситалари жалб қилинган. Кафолат сервис марказимизга эса 40 нафардан зиёд мутахассис бириктирилган.

Корхонада жорий йилда 334 минг квадрат метр тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилиб, буюртмачиларга пешма-пеш етказиб берилмоқда. Яъни уларнинг асосий қисми Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябрдаги қарорига мувофиқ, шаҳарларда барпо этилаётган намунавий кўп хонадонли уйларга ўрнатилаяпти.

Мазкур жамоа фаолияти билан танишар эканмиз, бир нарсага ишондик: имконият бор жойда, албатта, ривожланиш бўлади. Бинобарин, республикамизда шундай қулайлик туфайли "Pallada Investment" каби илғор ва йирик саноат субъектлари пайдо бўлаётгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ЭЪЛОНЛАР

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Тошкент минтақавий филиали

очиқ танлов савдоларига таклиф этади.

1. Танлов савдосига ТИФ Миллий банки Тошкент вилояти бўлимига қарашли Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Янги турмуш» фуқаролар йиғини, Кўтарма маҳалласида жойлашган, ер майдони 0,010 гектар бўлган, дўкон, чойхона ва бостирмадан иборат бир қаватли бино қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 240 000 000 сўм.

2. Танлов савдосига ТИФ Миллий банки Тошкент вилояти бўлимига қарашли, Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани, «Кетмонтепа» фуқаролар йиғини, И. Юнусов номидаги маҳалла, И. Юнусов кўчасида жойлашган, ер майдони 600,0 кв. м. бўлган бир қаватли тураржой биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 120 193 000 сўм.

Танлов савдоси 2017 йил 15 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2017 йил 11 август куни соат 16.00.

Мазкур кўчмас мулклар 2017 йил 15 август куни сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий савдоси 2017 йил 30 август, 12 ва 27 сентябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2017 йил 30 августдаги савдо учун — 28 август куни, 12 сентябрдаги савдо учун — 8 сентябрь куни, 27 сентябрдаги савдо учун — 25 сентябрь куни соат 16.00.

Танлов савдосида қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги ҳужжат билан бирга қуйидагилар тақдим этилади:

— юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашиши учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

— жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашган тақдирда, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Танлов савдоси ғолибига 10 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Танлов савдосида қатнашиш учун талабгорлар ҳар бир кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизи миқдоридаги закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Тошкент минтақавий филиалининг «Ипак йўли» АИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000404920609021, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 649-хона. Телефон: (0-598) 117-71-12. www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг

Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти

ўз ҳудудида жойлашган, умумий майдони 0,65 гектар бўлган ердаги зарарли моддалар билан ифлосланган тупроқни тозалаш ишларини бажариш учун қурилиш ташкилотлари ўртасида тендер эълон қилади.

Бажариладиган ишлар: 2 та кичик бир қаватли бинони бузиш, 50 га яқин кичик дарахтларни кесиш ва майдалаш, 100 м³.даги тупроқни махсус идишларга солиб, 34 км. масофада жойлашган махсус полигонга олиб бориб тўкиш ҳамда бўшаган ерларни тоза тупроқ билан тўлдириб текислаш.

Мурожаат учун манзил: 111226, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори Юз маҳалласи. Телефон: (0-371) 264-22-23. Факс: (0-371) 264-23-90. Электрон почта: igebr@academy.uz info-igebr@academy.uz

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ УЯ-64/ТҲ-1-муассасаси

кам дозалик стационар флюорография аппаратини сотиб олиш бўйича танлов эълон қилади.

Ташкилотлардан юқорида кўрсатилган жиҳоз бўйича тижорат таклифларини тақдим этиш сўралади. Шунингдек, таклифда жиҳознинг техник характеристикаси, етказиб бериш муддати, ишлаб чиқарилган йили ҳамда ишлаб чиқарувчи ташкилот тўғрисида тўлиқ маълумот кўрсатилиши шарт.

Таклифлар 2017 йил 25 августга қадар қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Наманган кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББ УЯ-64/ТҲ-1-муассасаси. Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 289-18-57, 289-18-44.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 80 022 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.45 2 3 4 5 6